

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари  
ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги

ТАСДИҚЛАЙМАН



Ўзбекистон Республикаси  
Ахборот технологиялари  
ва коммуникацияларини  
ривожлантириш вазири

*[Signature]*  
Ш. Садиқов

“ 3 ” август 2020 йил

Ахборот технологиялари  
ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг  
Худудий бошқармалари тўғрисида  
НИЗОМ

КЕЛИШИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси  
Ахборот технологиялари  
ва коммуникацияларини  
ривожлантириш вазири ўринбосари

*[Signature]* Ж. Махсудов  
20\_\_ йил “\_\_” \_\_\_\_\_

Юридик бўлими бошлиғи

*[Signature]* Р. Хурсанов  
20\_\_ йил “\_\_” \_\_\_\_\_

## **1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг Худудий бошқармалари юридик шахс ҳисобланмайди ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 апрелдаги ПҚ–4699-сон қарори асосида Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири (кейинги ўринларда Вазир деб аталади) томонидан тасдиқланган Низомга мувофиқ фаолият олиб боради.

2. Худудий бошқармалар ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Қонунлари, Олий Мажлис қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг (кейинги ўринларда Вазирлик деб аталади) буйруқлари ва фармойишлари, Вазирлик раҳбарияти кўрсатмаларига, шунингдек, ушбу Низомга амал қилади.

3. Худудий бошқармалар ўз фаолиятини Вазир, вазирнинг телекоммуникация инфратузилмаси масалалари бўйича ўринбосари (кейинги ўринларда Вазир ўринбосари) ҳамда Вазирликнинг Худудий бошқармалар фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси раҳбарлигида амалга оширади.

4. Худудий бошқарма бошлиғи, унинг ўринбосари, бўлим бошлиқлари ва бошқа ходимлари Вазир ўринбосари билан келишган ҳолда Вазир томонидан лавозимга тайинланади ва озод қилинади.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2018 йил 19 февралдаги ПҚ–3549-сон қарорининг 6-бандига мувофиқ, Худудий бошқармалар бошлиқлари мақоми бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ўринбосарига тенглаштирилган.

6. Худудий бошқармалар фаолиятини молиялаштириш, шунингдек, Худудий бошқармалар ходимлари штат жадвали Вазирлик томонидан тасдиқланади.

7. Худудий бошқармалар ўз номи ёзилган муҳрга эга.

8. Худудий бошқармалар ўз фаолиятини жойлардаги давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоат ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда олиб боради.

## **2-боб. Худудий бошқарманинг асосий йўналишлари ва функциялари**

9. Қуйидагилар худудий бошқарма фаолиятининг асосий йўналишлари ҳисобланади:

жойларда ахборот технологиялари, почта, телекоммуникациялар, электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиётни жорий қилиш ва ривожлантириш бўйича соҳа олдига қўйилган вазифалар ижросини ташкил этиш ушбу йўналишдаги ишларни мувофиқлаштириш;

ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича дастурлар, чора-тадбирлар режаларини ишлаб чиқиш, қисқа ва узоқ муддатли стратегияларини белгилашда ваколати доирасида соҳани ривожлантиришга доир таклифларни ишлаб чиқиш;

ҳудудларда телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш, олис аҳоли масканларини телекоммуникация тармоқлари ва хизматлари билан таъминлаш, аҳоли эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда мобил алоқа ва мобил интернет тармоғининг сифатини ошириш борасида оператор ва провайдерлар билан ҳамкорликда ишларни ташкил қилиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмаларида, жойлардаги маҳаллий давлат ҳокимияти органларида бошқарув жараёнларига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда белгиланган тартибда иштирок этиш;

жойларда радиоалоқа ва телевидение йўналишларини ривожлантириш бўйича белгиланган лойиҳаларни ҳамда лицензия келишув шартлари талабларини хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бажарилишини таъминлаш;

почта алоқаси хизматларини сифат жиҳатдан янги услубларини жорий этиш, логистика йўналишини ривожлантириш орқали ички бозорда почта фаолияти мавқеини ошириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш, тегишли мутасаддилар билан келишилган ҳолда чора-тадбирларни белгилаш ва уларнинг амалга оширилишини ташкил этиш;

10. Бошқарма фаолиятининг асосий йўналишларини бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

**1) ахборот технологиялари, почта, телекоммуникациялар, электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиётни жорий қилиш ва ривожлантириш йўналишида:**

а) жойлардаги давлат органлари фаолиятига ахборот технологияларини жорий этиш, электрон ҳукумат тизими доирасидаги лойиҳаларни амалга ошириш ҳамда ушбу йўналишда белгиланган мақсадли кўрсаткичларга эришишни таъминлайди;

б) ҳудудий давлат ва хўжалик бошқаруви органлари фаолиятини рақамлаштириш, иқтисодиёт тармоқларига “ақлли” ва бошқа истиқболли замонавий технологияларни жорий этишда ваколати доирасида иштирок этади;

в) жойларда телекоммуникация инфратузилмасини, хусусан олис ва бориш қийин бўлган чекка ҳудудларда кенг полосали ва мобил алоқа хизматлари кўрсатишни ривожлантириш бўйича истиқболли режа ва таклифларни ишлаб чиқади;

г) минтақавий ахборот тизимлари ва ресурсларини яратиш ва ривожлантириш бўйича ҳудудий даражадаги давлат органларига ваколати доирасида кўмак беради ва таклифлар киритади;

д) жойларда почта алоқаси соҳаси корхоналарининг фаолиятини янада ривожлантириш, улар томонидан кўрсатиладиган хизматлар тури ва ҳажмини ошириш юзасидан белгиланган вазифалар ва чора-тадбирларнинг бажарилишини ташкил этади;

е) тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда жойларда “хавфсиз шаҳар” лойиҳаларини амалга ошириш, вазирлик тизимидаги соҳа корхона ва ташкилотларининг ҳудудий бўлинмаларида ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш йўналишидаги ишларни ваколати доирасида ташкил этишда иштирок этади;

ж) ҳудудларда ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасида юқори малакали кадрлар захирасини шакллантириш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича тегишли давлат идоралари билан ҳамкорликда ишлайди ва таклифлар тайёрлайди;

з) “Беш ташаббус” лойиҳасини амалга ошириш доирасида ҳудудларда ёшларнинг компьютер саводхонлиги ва ахборот технологиялари соҳасида билим даражасини ошириш бўйича рақамли ўқитиш марказларини ташкил этишда иштирок этади;

и) Ҳудудий бошқармалар фаолияти юзасидан Вазирликнинг ҳудудий бошқармалар фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси билан келишилган ҳолда Вазир ёки тегишли вазир ўринбосарига ҳисобот тайёрлайди.

## **2) ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йўналишида:**

а) ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқишда ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасида қабул қилинган дастурлар билан ўзаро боғлиқлигини таъминлаган ҳолда таклифлар ишлаб чиқишда иштирок этади;

б) Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан тасдиқланган ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларида соҳага оид вазифалари ижросини белгиланган муддатларда бажарилишини ташкил этади;

в) замонавий халқаро тенденциялар ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегиясидан келиб чиққан ҳолда, жойларда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади.

г) маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ишлаб чиқилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, дастурлар ёки чора-тадбирларнинг соҳага оид қисми ва тегишли бандлари бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

д) жойлардаги ижтимоий соҳа объектлари (*мактаб, мактабгача таълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари*) ҳамда аҳоли масканларини телекоммуникация хизматлари билан таъминлаш бўйича режаларни ишлаб чиқишда иштирок этади ва ижросини таъминлайди.

**3) Республиканинг олис ва чекка ҳудудларида телекоммуникация инфратузилмасини, кенг полосали ва мобил алоқа хизматлари кўрсатишни ривожлантириш бўйича:**

а) соҳа корхоналари ҳамда мобил алоқа операторлари томонидан ҳудудларда телекоммуникация инфратузилмаси, мобил алоқа ва мобил интернет қамровини ривожлантириш бўйича дастур ва чора-тадбирларни ишлаб чиқишда иштирок этади ва уларни амалга оширишни таъминлайди;

б) аҳоли яшаш масканларини замонавий телекоммуникация хизматлари билан таъминлаш бўйича режаларни ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишни ташкил этади;

в) жойларда аҳолига сифатли телекоммуникация хизматларини тақдим этиш бўйича ҳудуддаги оператор ва провайдерлар фаолиятини мувофиқлаштиради.

**4) Радиоалоқа ва телевидение, телекоммуникация соҳасида хизматлар кўрсатиш бўйича берилган лицензия келишув шартлари талабларини хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бажарилиши йўналишида:**

а) ҳудудларда радиочастота спектридан фойдаланиш ҳамда соҳада хизматлар кўрсатиш бўйича берилган лицензия келишуви шартларининг хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бажарилишини таҳлил қилиш ва ўрганишда ўрнатилган тартибда иштирок этади;

б) ҳудудда соҳада фаолият юритиш бўйича лицензия олиш учун талабгорларга ҳуқуқий маслаҳатлар ва тушунчалар беради;

в) телерадиоэшиттириш ва маълумотлар узатиш техник воситаларидан фойдаланишда, телевизион ва радиодастурларни тарқатиш, маълумотлар узатиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари бузилиш ҳолатлари ва уларнинг олдини олиш бўйича тизимли таҳлил олиб борилишини, зарур ҳолларда мутахассислар иштирокини таъминлашни ташкил этади.

**5) Давлат органларининг ҳудудий бўлинмалари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш йўналишида:**

а) жойлардаги давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида бошқарув жараёнларига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

ҳудудий давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг раҳбар ва мутахассис ходимларини ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида ўқитиш ва малакасини ошириш ишларини ташкил этишда кўмаклашади;

б) маҳаллий давлат ҳокимияти органларида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантиришга масъул бўлган таркибий бўлинмалари фаолиятини самарали йўлга қўйиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади;

худудий давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантиришга масъул бўлган таркибий бўлинмалар раҳбарларини лавозимга тайинлаш ҳамда ушбу бўлинмалар раҳбар ва мутахассис ходимларини уч йилда бир марта аттестациядан ўтказиш бўйича комиссияси таркибида белгиланган тартибда иштирок этади;

в) амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат органларининг худудий бўлинмалари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларини идоралараро электрон ҳамкорлик тизимидан фойдаланишида соҳага оид масалалар ижросини ташкил этишда иштирок этади;

г) “Электрон ҳукумат” тизими доирасида амалга оширилиши белгиланган лойиҳаларни муддатида ва сифатли бажарилишини таъминлаш билан боғлиқ ишларни мувофиқлаштиради.

### **3-боб. Худудий бошқарманинг ташкилий тузилмаси**

11. Худудий бошқарманинг тузилмаси ва ходимлар сони штат жадвали бўйича белгиланади.

Худудий бошқарманинг тузилмаси Вазир томонидан тасдиқланади.

Худудий бошқарманинг тузилмаси 7 штат (Сирдарё ва Хоразм вилоятлари худудий бошқармаларида 6 штат) бирлигидан иборат, жумладан:

Худудий бошқарма бошлиғи;

Худудий бошқарма бошлиғи ўринбосари - Телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш бўлими бошлиғи.

Телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш бўлими – 3 штат (Сирдарё ва Хоразм вилоятлари худудий бошқармаларида 2 штат) бирлиги;

Электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бўлими – 2 штат бирлиги.

### **4-боб. Худудий бошқарманинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги**

12. Худудий бошқарма ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

тегишли мажлисларда, йиғилишларда, анжуманларда, семинарларда, кўргазмаларда ва бошқа тадбирларда ўрнатилган тартибда иштирок этиш;

Худудий бошқармага юклатилган топшириқ ва вазифаларни бажариш юзасидан Вазирликнинг тегишли бошқармалари ва бўлимлари, жойлардаги давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек, вазирлик тизимидаги корхона, ташкилот ва муассасалар, мобил алоқа операторларидан зарур маълумотларни сўраб олиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, топшириқларига асосан худудларда соҳа олдида қўйилган вазифалар ижросини таъминлашда худуддаги бошқа давлат ва хўжалик

бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликда ишлаш;

Вазирлик томонидан ишлаб чиқилган соҳага оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, стандартлар, тармоқ раҳбарий ва меъёрий ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этиш ва бажариш;

ўрнатилган тартибда Вазирликнинг Худудий бошқармалар фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси ҳамда тегишли вазир ўринбосарига Худудий бошқармалардаги штат бирликларига кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, уларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, шунингдек, худудий ва республика даражасидаги семинарлар, конференциялар ва бошқа тадбирларда иштирок этиш, вазирлик тизимидаги ёки ахборот технологиялари соҳасидаги етакчи компанияларда амалиёт ўташи юзасидан тегишли таклифларни киритиш.

13. Худудий бошқарманинг мажбуриятлари:

ушбу Низом ва бошқа қонун ҳужжатлари билан юкланган функцияларни зарур даражада ва самарали бажариши;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари, шунингдек, Ҳукумат қарорларида белгиланган вазифаларни, Вазирлик раҳбарияти томонидан белгиланган вазифа ва топшириқларни ўз вақтида аниқ ва тўлиқ ҳажмда бажариши шарт.

меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси қоидаларига ҳамда ёнғинга қарши хавфсизлик чораларига риоя қилиш;

конфиденциал, махфий маълумотлар ҳамда махфий моҳиятга эга бўлган маълумотларни ошкор этмасликни таъминлаш;

Худудий бошқармалар ходимлари амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

14. Худудий бошқарманинг жавобгарлиги:

мазкур Низом билан белгиланган вазифа ва функцияларни бажарилишига;

тегишли масалалар бўйича таҳлилий маълумот ва бошқа материаллар, шунингдек, қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг мутахассислар томонидан сифатли ва ўз вақтида тайёрланишини ташкил этишга;

Ўзбекистон Республикаси Қонунларининг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, қарорлари ва фармойишларининг, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларининг, Вазирлик раҳбарияти топшириқларининг худудий бошқарма томонидан ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлашга;

ички меҳнат тартиби қоидаларга, шунингдек техника хавфсизлиги ва ёнғинга қарши тадбирлар талабларини бажаришга;

Вазирликнинг конфиденциал, махфий маълумотлари ҳамда махфий моҳиятга эга бўлган маълумотларини ошкор этмасликка жавоб беради.

Худудий бошқарма ходими ўз мажбуриятлари ва функциялари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

**5-боб. Ушбу Низомнинг бажарилиши бўйича жавобгарлик**

15. Ушбу Низом талабларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

**Худудий бошқармалар  
фаолиятини мувофиқлаштириш  
бошқармаси бошлиғи в.б.**



**Ш. Нортажиев**